

Интернетдаги қиёфамиз



09:00 / 05.02.2023 2667

Интернетда эркаклар мардлик ниқобини киядилар. Аёллар эса ифбат либосини киядилар.

Интернетда эркакларнинг ҳаммалари, гўё Юсуф алайҳиссаломдек, аёллар эса гўё Марям онамиздек.

Интернетда Азизнинг яна бошқа бир хотини қайсидир бир эркакни йўлдан уришга уринади, ўша «Юсуф»лар эса аёлнинг бу севги изҳорига мойиллик билдиради.

Интернетда ҳамма романтик, ҳамма зиёли, ҳамма маданиятли, ҳамма оппоқ, ҳамма топ-тоза, ҳамма қўрқмас, баҳодир, ҳамма шижоатли, паҳлавон, ҳамма аслзоданинг ўғли, ҳамма шайхларнинг боласи ва барча интернет фойдаланувчилари қасрларда яшайди, ипакдан, шойидан бўлган

тўшакларда ухлайди.

Интернетда биринчи суҳбатдаёқ ошиқ бўлиб қолинади. Ўзаро шахсий ёзишмаларда ижобий муносабат билан ёзиладиган ҳар бир мактуб ов учун ташланган қармоқ тўридир. Ҳар бир хушомад тарзида ёзилган сўзлар ҳам қармоқ тўридир.

Интернетда ҳеч кимнинг ёши олдинга юрмайди, у ерда ҳеч қандай кекса инсоннинг ўзи йўқ.

Интернетда хунук аёл топилмайди. Барча аёллар гўзал маликалардир, барча эркаклар эса ўз қабиласининг паҳлавон ўғлонларидир. Роббимиз раҳм қилганларгина бундан мустасно.

Интернетда баъзан, вафо улашиб, хиёнатни қабул қилиб оласан.

Интернетда ҳамманинг кўрган туши ажойиб ва ёқимли, шу билан бирга, у ерда айтилган ҳамма ваъдалар ҳам, ҳамма ҳикоялар ҳам, барча кечалар ҳам ёқимлидир. Ягона ёқимсиз нарса эса бу воқеъликдир.

Юқорида айтганимиздек, ҳамма ҳам бундай эмас, бироқ кўпчилик шундай. Азизлар, Аллоҳ ҳаққи, интернетга кирганингизда сохта, ниқобни тақиб олманг, мунофиқлик қилманг!

Нозимжон Ҳошимжон